



Марям ЭШМУҲАМЕДОВА
филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат шарқшунослик институти

ЯССАВИЙ МАКТАБИ ШОИРЛАРИ

Яссавия тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий қаламига мансуб кўплаб қўлёзма манбалар дунёнинг турли қўлёзма фондларида сақланмоқда. Уларни тадқиқ этиш асносида Яссавий издошлари ҳақидаги маълумотлар тикланмоқда. Мазкур мақолада Яссавий мактаби шоирлари ҳақидаги маълумотлар берилади. Уларнинг ижоди қўлёзмалардан қай даражада ўрин олганлиги ёритиб берилган.

Множество письменных памятников, относящихся перу основоположника яссавийского тариката Ахмада Яссави, хранится в разных рукописных фондах мира. Выполненное исследование этих текстов доказывает, что последователей Яссави было очень много. В данной статье рассматриваются сведения о поэтах школы Ахмада Яссави, а также освещается их вклад в рукописное творчество.

There are a lot of works referring to the founder of Yasevi tariqah of Ahmad Yasevi, which kept in different manuscript collections in the world. Completed study of these texts shows that Yasevi followers were very much. This article examines the conduct of the poets Ahmad Yasevi school. Also, highlights their work contributed to the manuscript.

Калит сўзлар: ёзма мерос, тарихий хизмат, қўлёзма, Яссавий мактаби шоирлари, мумтоз адабиёт, жиддий тадқиқот, муножот, кўхна мавзу, услуб, қасида.

Ключевые слова: письменное наследие, историческая заслуга, рукопись, поэты литературной школы Ясеви, классическая литература, глубокое исследование, мунаджат, историческая тема, стиль, қасида.

Key words: written heritage, historical service, manuscript, poets of Ahmad Yassaviy's school, classic literature, deep investigation of munadjat, historical theme, style of qasida.

Аҳмад Яссавийнинг тарихий хизматларидан бири – туркий адабиётда ўзига хос мактаб яратганлигидир. Бу мактаб шоирларининг ёзма мероси бизга кўпроқ Аҳмад Яссавий хикматлари ўрин олган қўлёзмалар таркибида етиб келган. Бу қўлёзмалар Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази асосий фонди, дублет фонди ва мазкур

институтнинг Ҳамид Сулаймонов фонди ҳамда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондида сақланади, уларнинг адади 180дан ортиқ.

“Девони ҳикмат”нинг айрим қўлёзмаларида Аҳмад Яссавий ҳикматлари у яратган мактаб шоирлари шеърлари билан аралаш ҳолда кўчирилган бўлса, айримларида Яссавий ҳикматларидан сўнг жой олган.

Лекин улар ичида асарлари алоҳида қўлёзма ҳолида сақланаётганлари ҳам бор. Бу ўринда фақат Қул Сулаймон асарлари ўрин олган қўлёзмаларни кўриб чиқамиз. Улар Шарқ қўлёзмалари марказининг асосий фондида 12056, 7153, 8405, 7031, 7193, 7153, 9074, 6416, 9074, 11440, 8811 ва 5354 рақамлари билан сақланмоқда.

Яна шу марказнинг Ҳамид Сулаймонов фондида ҳам 9927, 259, 1322, 2610 рақамлари билан сақланади.

Яссавий мактаби шоирлари хусусида тадқиқот олиб борган олимлар Абдурауф Фитрат ҳам, А. Боровков ҳам бу мактаб шоирларидан 20га яқинини санаб ўтган.

Бироқ қўлёзмалар устида олиб борилаётган кейинги тадқиқотлар улар сафи кенгроқ эканини кўрсатди.

Шуниси қизиқки, “Девони ҳикмат” қўлёзмаларида Яссавий ҳикматлари сони ҳар хил: бир қўлёзмада учраган ҳикматлар иккинчи қўлёзмада учрамаслигини кузатамиз. Шу ҳолатни унинг мактаби шоирлари мисолида ҳам кўриш мумкин: биринчи қўлёзмадан ҳикматнавис шоирлардан 7 кишининг шеъри ўрин олган бўлса, иккинчи қўлёзмадан 12 кишининг, учинчи қўлёзмадан эса 17 кишининг шеъри ўрин олган ва ҳоказо. Масалан, 178-сақланиш рақамли қўлёзмадан (бугунги кунда бу қўлёзма Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланади) Яссавий ҳикматлари билан бирга унинг мактаби шоирлари: Ғариб Адҳам, Шамс, Қул Шариф, Қул Сулаймон, Холис, Мискин Қосим, Қул Темурий, Баҳоуддин, Неъматуллоҳ, Қул Убайдий, Қул Зоҳид, Соҳиб Назар, Занги Қул, Толиб, Ғазолий, Жаббор, Саййидий, Шайх Жамолий, Хаёлий, Нисбат Ризойи, Эшон Жазбий, Худойдод, Фақирий, Муҳаммад Дарвиш, Шайх Назирий ва мумтоз адабиётимиз вакилларининг туркий ва форсийдаги шеърлари ўрин олган.

Иккинчи қўлёзмага мурожаат этамиз. 471-сақланиш рақамли бу қўлёзма Шарқ қўлёзмалари марказининг Ҳамид Сулаймонов фондида сақланади. Ундан Аҳмад Яссавий ҳикматлари билан бирга Шамс Ўзгандий, Иқоний, Қул Сулаймон, Қул Шариф, Қул Умурий, Холис, Сайқалий, Хўжа Туркистоний, Ғариб Гулшан, Камтар, Узлат, Дилкаш каби шоирларнинг шеърлари ўрин олган.

Худди шу фондда 974 рақами билан сақланадиган учинчи бир қўлёзмага эътибор қаратамиз. Бу қўлёзма Аҳмад Яссавий ҳикматлари билан бирга Қул

Сулаймон, Қул Убайдий, Шамс, Қул Шариф, Мискин Азим, Холис, Қул Умурий, Қул Ғарибий, Қул Зоҳид, Муҳаммад Олим, Неъматуллоҳ, Худойдод, Иқоний, Мажзуб, Жазбий, Залилий, Шайдо каби Яссавий мактаби шоирлари, шунингдек, мумтоз адабиётимиз вакилларидан айримларининг шеърлари билан бирга кўчирилган.

Тўртинчи ва бешинчи қўлёзмага мурожаат этилганда, бу шоирларнинг сони ортиб бораётгани кузатилади. Улар: Қул Сайфиддин, Қул Яъқуб, Қул Камолий ва бошқалардир. Бу маълумотлар фақатгина бешта қўлёзма асосида берилди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, “Девони ҳикмат” қўлёзмаларининг 180дан ортиқ нусхалари ўрганилса, янги-янги шоирлар ҳикматларини учратишимиз аниқ.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари қанча шуҳрат топиб, кенг тарқалган бўлса, унинг мактаби шоирларнинг шеърлари ҳам шунча кенг тарқалган экан.

Ҳикматнавис шоирларнинг неча киши эканлиги ҳозирча мунозарали. Лекин манбаларда уларнинг исмлари қуйидагича қайд этилган:

1. Қўлёзмаларда исмлари кўп қайд этилган шоирлар:

1. Қул Сулаймон – исми 66 ўринда учрайди.
2. Холис – исми 21 ўринда учрайди.
3. Шамсиддин Ўзгандий – исми 32 ўринда учрайди.
4. Иқоний – исми 14 ўринда учрайди.
5. Қул Умурий – исми 13 ўринда учрайди.
6. Қул Шариф – исми 12 ўринда учрайди ва бошқалар.

Жами: 10 шоир.

2. Қўлёзмаларда исмлари камроқ қайд этилган шоирлар:

1. Неъматуллоҳ – исми 9 ўринда учрайди.
2. Қул Темурий – исми 10 ўринда учрайди.
3. Қул Назирий- исми 7 ўринда учрайди.
4. Залилий – исми 7 ўринда учрайди ва бошқалар.

Жами: 6 нафар шоир.

3. Қўлёзмаларда исмлари жуда оз қайд этилган шоирлар 30дан ортиқ бўлиб, улардан айримлари:

1. Занги Қул – исми 1 ўринда учрайди.
2. Қул Саййидий – исми 2 ўринда учрайди.
3. Қул Камина – исми 1 ўринда учрайди.
4. Қул Камолий – исми 2 ўринда учрайди.

Ҳикматнавис шоирлардан айримларининг ҳаёти ва ижоди қисман ўрганилган, асарларидан намуналар чоп этилган. Улар: Сулаймон Бақирғоний, Убайдий, Холис ва Азим хўжа Эшон.

Шуни таъкидлаш керакки, бир шоирнинг, масалан, Қул Сулаймон исмининг 66 ўринда учраши ёки Шамсиддин Ўзгандий исмининг 32 ўринда учраши бу шоирларнинг 66 ёки 32 та ҳикмат ёзганлигини кўрсатмайди. Бир ҳикмат, беш ёки ўн марта кўчирилган ва бу улар асарларининг эл орасида шуҳрат топганлигини англатади. Ҳар ҳолда, бу фикрларимизга матншунослик тадқиқотлари натижаларигина аниқлик кирита олади.

Қўлёзмалардаги эътиборни тортадиган жиҳатлардан бири – бир шоирнинг турли таҳаллуслар билан ижод қилганлиги. Масалан, Шамсиддин Ўзгандий, Шамс, Осий Шамс ва Мулло Шамсий таҳаллуслари билан ижод қилган (бундай шоирлар бир қанча) шоир фаолияти, бундай таҳаллусларни қўллаш сабабларини билиш учун тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Манбаларни ўрганиш мобайнида Яссавий ижодининг фақат ҳикматнавис шоирларга эмас, балки бошқа жанрда ижод этган шоирларга ҳам таъсири катта бўлганлини аниқладик. Юқорида бундай шоирлардан айримларининггина номлари келтирилди. Маълум бўлганидек, бу қўлёзмаларда Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби мумтоз адабиётимиз вакилларининг шеърларидан ташқари, яна 50дан ортиқ номлари илк бора учраётган шоирлар ва шоираларнинг шеърлари учрайди.

Демак, ҳикматнавислик, Яссавий ҳикматлари таъсирида ижод этган, номлари илм оламида таниш ёки нотаниш бўлган шоирлар ижодини ўрганиш, жиддий тадқиқот олиб бориш галдаги вазифалардандир.

Яссавий мактаби шоирларининг қайси жанрда ижод қилганликларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Бу мактаб шоирлари ижодида ҳикматнавислик етакчи жанр ҳисобланади, лекин уларнинг ғазал, муножот, қасида, шеърӣ қисса ва бошқа жанрларда ҳам ижод қилганликларини кузатиш мумкин. Шунга мувофиқ, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Асосан, ҳикмат ёзган (лекин ижодида муножот ҳам учрайдиган) шоирлар:

1. Қул Сулаймон.
2. Шамсиддин Ўзгандий.
3. Қул Умурий.
4. Қул Шариф.
5. Қул Ғарибий.
6. Қул Темурий.
7. Иқоний.
8. Холис.
9. Залилий.
10. Неъматуллоҳ.

11. Қул Назирий.
 12. Қул Убайдий.
 13. Ғариб Адҳам.
 14. Мискин Азим.
 15. Худойдод.
 16. Қул Зоҳид.
 17. Қул Сайфиддин.
 18. Қул Камолий ва бошқалар.
2. Қасида, ғазал, муножот ва бошқа жанрларда ижод этган шоирлар:
1. Сайқалий.
 2. Хўжа Туркистоний.
 3. Эшон Жазбий.
 4. Мажзуб.
 5. Шайдо.
 6. Дастагул.
 7. Муҳаммад Олим.
 8. Ғариб Гулшан.
 9. Камтар.
 10. Узлат.
 11. Дилкаш.
 12. Мискин Қосим.
 13. Баҳоуддин.
 14. Соқиб Назар.
 15. Занги Қул.
 16. Толиб.
 17. Ғазолий.
 18. Жаббор.
 19. Саййидий.
 20. Шайх Жамолий.

Шу ўринда савол туғилади. Бошқа жанрларда ижод қилган (иккинчи гуруҳдаги) шоирларни ҳам Яссавий мактаби шоирлари сафига киритиш мумкинми? Бизнингча, киритиш мумкин. Чунки бу ижодкорлар асарларида ушбу мактаб анъанасига содиқлик, яссавиёна руҳ, оҳанг ва ғоя сезилиб туради. Улар даврнинг бошқа шоирларига нисбатан содда – халқона усулда ижод қилиши, бадий ижод воситаларидан ҳам камтарона фойдаланиши, шунингдек, асарлари мавзуларининг бир-бирига яқин, аммо ўзига хослиги билан ажралиб турадилар. Уларнинг асарларида содда баён тарзи, баъзан тарихий воқеликдан узоқлашиш, айрим ўринларда вазннинг бузилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Аммо ғоя ягона – эзгулик, инсонларга яхшилик

улашиш ва огоҳликка чорлаш. Бу йўлда турли мурожаатлар, тарихга назар, ўтмишдан ўгит олиш каби ифода усулларидан фойдаланилган. Масалан, 431-сақланиш рақамли қўлёзмага мурожаат этамиз. Бу қўлёзма Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланади. XIX асрда кўчирилган. Ундан Яссавий ҳикматлари, унинг мактаби шоирлари ҳикматлари ва яна би асар ўрин олган.

Бу қўлёзманинг 251а-252б варақларидан исми, шеъри ҳали бирор манбада учрамаган Мажруҳ исмли шоирнинг шеърлари ҳам ўрин олган. Бу шеърларнинг бири 22 мисра, иккинчиси 24 мисрадан иборат. Жанри шаклан ғазалга ўхшаса ҳам, мазмунан қасидадир.

Шеърлар услуб ва мазмун жиҳатидан Яссавий шеърларига ҳамоҳанг. Ҳар икки шеърдаги асосий ғоя мол-дунёга кўнгил қўймаслик, тирикликни ғанимат билиб, умр вафо қилганича, охират тадоригини кўришга чорлашдан иборат. Бунда шоир Одам Атодан бошлаб ўтган пайғамбарлар, чаҳорёрлар, Муҳаммад (с.а.в.)нинг аҳли байти ва тарихий шахсларни тартиб билан бирма-бир тилга олади. Тилга олганда ҳам, улар ҳар бирининг сифатини ҳали ҳеч ким қўлламаган оригинал ўхшатишларни қўллаган ҳолда васф этадики, бунда кўҳна бир мавзунинг янгича талқинда, эътиборни тортадиган бир асар даражасига кўтарилганини кўриш мумкин. Булар муаллифнинг санъаткорлигидан, дилдор бир шоир эканлигидан дарак беради. Шеърларнинг айрим мисраларида вазндаги сакталикларни учратиш мумкин. Лекин булар асарнинг қимматига путур етказмаган. Намуна учун улардан бирининг матнини тўлиқ келтирамиз:

*То кўзингга қон тўлмай йиғлагил шому сабо,
Шод бандам деб анга раҳм айлагай қодир Худо.
Банда бўлсанг то тириксан нола айлап йиғлагил,
Кўз ёшинг бўлгай гувоҳ дардига маҳшарда даво.
Ҳазрати Одам Ато йиғла-ю неча йил зор-зор,
Тинмайин айтур эди “Инно заламно раббано”.
Нолишидин жон-и жонвор, қурту қушлар йиғлади.
Йиғлагандин кечти Одам зиллатини подшоҳ,
Олтмиш уч йил умр кўрди ер юзида Ҳақ Расул,
Умматим деб йиғлар эрди кеча-кундуз Мустафо.
Мустафони тўрт бири – Сиддиқ, Умар,
Йиғлар эрди ҳазрати Усмон (у) Алийи муртазо.
Мустафони қизлари – хотуни қиёмат Фотима,
Йиғламоқдин ўзга ишни билмади хайр ун-нисо.
Етмиш тан била икки имоми нозанин,
Бири заҳр ичти, бири бўлди шаҳиди Карбало.
Бул ўтар дунё учу бисёр тараддуд қилмагил,*

*Бул жаҳон бевафодур, кўҳнаи мотамсаро.
То ҳаётинг қанча бордур, эй биродар йиғлагил,
Кўз ёшинг бўлгай Худони олдида тонгла гувоҳ.
Йиғламай ўтти тамом умринг, эй Мажруҳ санинг,
Тонгла на дерсан Худони олдида, эй рўсиёҳ.*

*Кўзунг(ла) томошо қил қани Одам, қани Ҳавво,
Қани Шиш, қани Идрис, қани Нуҳи набиюллоҳ.
Қани Юнус, қани Жирҷис, қани Искандари Луқмон,
Қани ўғлини қурбон этган Иброҳим халилуллоҳ.
Қани (Сора) ўғли оти Исмоил пайгамбар,
Қани мардонавор бошини берган ул забихуллоҳ.
Қани Довуд пайгамбар бўлуб дастида мум оҳанг,
Қаён кетти томошо қил, шунингдек, ул набиюллоҳ.
Сулаймони набийни шавкати ҳеч кимда йўқ эрди,
Боқиб кўргил қаён кетти ўшандоғ шоҳиди барно.
Қани Яъқуби нобино қирқ йил нолалар қилган,
Отасидин жудо бўлган қани ул Юсуф-и барно.
Бошига арра келди зикри Ҳақдин бўлмади гофил,
Худони дўсти Закариё, қани ул ҳазрати Яҳё.
Қани Мусо калимуллоҳ, қани Исо(йи) руҳуллоҳ.
Қани ул Аҳмад-и Мухтор “субҳоналлази асро”.
Қани Бу Бакр, қани Умар, қани Усмони зун-нурайн,
Ки нур чаими пайгамбар – қани Фотимаи Заҳро.
Бу дун сифлапарвардин вафони кўрмади ҳаргиз,
Ки бир мотамсародур бул жаҳонга эътимод этма,
Солур бошингга бир кун юз туман гам, юз туман савдо.
Ярогинг қил сен, эй Мажруҳ, ўлумдин беҳабар бўлма,
Туяқсиздин келиб ушлар ёқангдин ё бу кун тонгла.*

Қўлёмаларни ўрганиш давомида Яссавий мактаби шоирларининг, ноқорида таъкидланганидек, кичик жанрдаги маъвиза руҳида шеър ёзиш билангина кифояланмай, шеърин қиссалар ҳам ёзганлиги ҳам аниқланди. Масалан, Холис “Қиссаи Имом Ҳасан ва Ҳусайн”, “Вафотномаи онҳазрат”, “Вафотномаи Иброҳим бин Муҳаммад”, “Қиссаи Иброҳим”, “Ибратнома”, “Қиссаи Имом Ҳусайн”, “Шоҳ Жарир”, “Рисолаи арвоҳнома”, “Қиёматнома”, “Қиссаи Юсуф ва Зулайхо”, “Қиссаи Зеваршоҳ ва шаҳзодаи Қусам”, “Муҳаммад (с.а.в.)нинг туғилиши”, “Қиссаи Иброҳим ва Исмоил”, “Меърожнома”, “Қиссаи Жобир саҳоба”, “Муножоти ҳазрати шоҳ”, “Қиссаи Карбало”, “Искандарнома”, “Даҳмаи шоҳон”, “Вафотномаи Фотима ва қиссаи

Муҳаммад ҳанафия”, “Қиссаи вафоти Абу Бакр ва қиссаи Али Акбар”, “Ғазотнома”, “Қиссаи Бурх” ва “Қиссаи Айюб” асарларини ёзган. Худди шунингдек, Шамсиддин Ўзгандийнинг “Қиёматнома”, “Вафотномаи онҳазрат”, “Қиссаи маҳшарнома”, “Пайғамбарнинг умматларига шафқати”, “Вафотномаи пайғамбар”, “Арвоҳнома” ва бошқа номлардаги шеърӣ қиссалари мавжуд. Бу рӯйхатни бошқа шоирлар ижоди мисолида ҳам давом эттириш мумкин.

Туркий адабиётда шеърӣ қиссачиликнинг ўзига хос ўрни бор. Улар жумласига кўплаб халқ қиссаларини киритиш мумкин. Ана шу халқ қиссаларининг айримлари ҳам турли қўлёзмалардан, жумладан, “Девон-и ҳикмат” қўлёзмаларидан ўрин олган.

Бу шеърӣ қиссаларни ҳам махсус ўрганиш, мансублик масаласига аниқлик киритиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Бунинг учун юқори даражадаги манбашунослик ва матншунослик тадқиқотларини олиб бориш ва ушбу шеърӣ қиссаларнинг муаллифларини аниқлаш, асарлар вариантларидаги фарқлар ва умумий жиҳатлар каби масалаларга ойдинлик киритиш зарур.

Яссавий мактаби шоирлари ижодини тадқиқ этиш, улар ижодини, хусусан, манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан ўрганиш бу мактаб шоирларининг туркий адабиётда тутган ўрнини аниқлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар (қўлёзма-манбалар)

1. قولىيازمه. قلى سلیمان. №12056.
2. قولىيازمه. قلى سلیمان. №7153.
3. قولىيازمه. قلى سلیمان. №8405.
4. قولىيازمه. قلى سلیمان. №7193.
5. قولىيازمه. قلى سلیمان. №9074.
6. دیوان حکمت. قولىيازمه. №471.
7. دیوان حکمت. قولىيازمه. №178.
8. دیوان حکمت. قولىيازمه. №974.